

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Миозо Улугбек номидаги ЎзМУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Минтақавий маркази директори _____ Ф.Эсанбобоев

“_____” _____ 2015 йил

“ТЕСТОЛОГИЯ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2015

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201 йил _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Н.Полвонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Х.Алимов-психология фанлари номзоди, доцент

Ишчи дастур

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

• Тингловчиларга Тестология тушунчаси, Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари, Ўзбекистон таълим тизимида тест топшириқларининг қўлланиши тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш;

• Тест топшириқларининг шакллари, мазмуни, тест тузишнинг назарий асослари уни таълим-тарбия жараённида қўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда тестларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил фикрни вужудга келтиришга эришиш;

• Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятларини тингловчиларга етказиш;

• Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари Тестлардан масофавий таълим тизимида фойдаланиш, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган назарий-концептуал масалаларда, бу жараёнда таълим-тарбия ролининг ошиб бориши, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотларда, эришилган ютуқларни олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш, таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишда тест синовларининг аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Фан бўйича билимлар, қўнималар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, қасб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича ДТС, Низомлар ва намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок, иккинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда,

ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида Тестология фанининг ўрни беқиёс. Биринчидан, 20 йилдан буён ўзбекистон Республикаси ОЎЮга тест синовлари орқали қабул амалга оширилаяпти; иккинчидан кўпгина ОЎЮнинг баъзи йўналишларида жорий, оралиқ, якуний назоратлар тест топшириклари билан ўтказилиш йўлга қўйилмоқда. Бу ва бошқа ҳолатлар ОЎЮ профессор – ўқитувчилари ҳамда ходимларининг тест топшириклари, Тестология фани бўйича чуқурроқ билимга эга бўлишини талаб қиласди. Тестология бўйича билимларнинг такомиллаштирилиши ОЎЮда инновация ютуқларини қўллаш ва таълим тизимини модернизациялаш жараёнида ўзининг ифодасини топади.

Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъруза	Семинар	Кўчма машғулот	Тажриба алмасиши	Мустақил
1.	Тестология фанининг предмети, мақсад, вазифалари, асосий тушунчалари	2		-	-	
2.	Тест тузиш методикаси.		1	-	-	
3.	Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиш ва натижаларининг таҳлили		1	-	-	
ЖАМИ: (соат)		2	2	-	-	

Маъruzалар матнлари

1-МАВЗУ. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Асосий тушунча ва тамойиллари. (2 соат маъруза)

Режа:

- 1.Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.**
- 2.Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари.**
- 3.Тест синовлари эволюцияси ва тест топшириқларининг шакллари.**

Таннч сўзлар. Тест, тест валидлиги, тест меъёрлари, тест турлари, тест қоидалари.

Замонавий жамиятнинг ривожланиш тенденцияси таълим ва унинг сифатини модернизациялашнинг устивор йўналишларини белгилайди. Жамият ва давлатнинг талабларига мос келадиган таълим олувчиликнинг тайёргарлиги даражасини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари ҳолатининг мониторинги ва диагностикасини амалга ошириш, ўқитишнинг объектив натижаларини мунтазам таҳлил қилиш таълим сифатини оширишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул жараёнларида ўқувчи ва абитуриентларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда юқори даражада холисликни, ҳаққонийликни ва тенгликни таъминлаш имконини берадиган тестлардан фойдаланишга асосланган педагогик ўлчовлар алоҳида ўрин тутади. Педагогик ўлчовлар – педагогика соҳаси бўлиб, синалувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини ўлчаш ва баҳолашнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқади ва амалда қўллади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта маҳсус таълими ҳам туб ислоҳотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим

тўғърисида» ги қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август) ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий хужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди, иқтидорли ёш олимларимиз ва талабалар «Устоз» ва «Умид» ҳозирги “Истебод” жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишдек бахтга мұяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй берадиган ислоҳотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимига ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграсиялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Касбий таълим йўналишлари талабаларини илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан куроллантириш мақсадида яратилган. У уч бўлимдан иборат:

1- бўлим - Педагогик технологиянинг назарий асослари, 2- бўлим - Тестшunoslik асослари, 3- бўлим -Тўла ўзлаштириш технологияси. Бўлимлар мазмунини ёритишида АҚСҲда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб 30 га яқин ривожланган мамлакатлар (Англия, Япония, Жанубий Корея, Малазия ва ҳ.к.) таълим тизимида муваффақиятли қўлланилаётган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг одатдаги ўқитиш усулларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимига уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш

ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўқув материалини тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилган. Тузилган тест топшириқлари фақатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам бажаради. Чунки, бу тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равища ўзлаштиришга ҳам эришилади. Бу жараёнда Тестология фанининг аҳамияти бекиёс.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юклатилган асосий вазифалардан бири “Республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигини холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш” ҳисобланади. Бу борада Давлат тест маркази (ДТМ) вазифаси этиб “мураккаблик даражаси таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида таълим муассасаларига кираётган абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш” белгиланган. Давлат тест маркази таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган тест синовлари материаллари(топшириқлар)ни тайёрлаш учун олимлар, етакчи педагог мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул бўйича абитуриентлар тест синовларини ўтказишда тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш учун Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази тавсияси билан ҳар йили Давлат тест марказига умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидан тажрибали педагог – услубчилар, шунингдек, республиканинг етакчи олий таълим муассасалари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинади.

ДТМнинг “Тест синовлари технологияларини ривожлантириш” бўлими ходимлари томонидан ҳар йили, мунтазам равишда, қайд этилган ташкилотлар тавсия этган мутахассис-экспертлар учун тест синовлари топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертиза қилиш бўйича услубий семинар машғулотлари ўтказилади, маслаҳатлар берилади, улар услубий кўрсатмалар билан таъминланади. Аммо, тўлақонли, илмий асосланган тест топшириқларини ишлаб чиқиш учун методик семинарлар, маслаҳатлар, эксперт - тестологлар учун тест тузиш ва ишлаб чиқиш бўйича эслатмалар етарли эмас.

Абитуриентлар тест синовлари учун тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертиза қилиш бўйича эксперталар билан олиб борилган услубий ишлар айrim фанлардан кўпчилик ўқитувчиларнинг замонавий тестология асослари бўйича билимлари пастлигини кўрсатди. Кўпчилик педагоглар тест - бу саволлар ва уларга берилган жавоблар рўйхатидан иборат, тестни яратиш ҳеч қандай маҳсус билим талаб қилмайди, деб мушоҳада юритадилар.

Таълим соҳасидаги тест синови - бу тестдан ўтувчиларнинг маълум ўкув фанлари ёки таълим дастурлари бўйича тайёргарлиги даражасини холис баҳолаш усулидир. Тест топшириқларини бажариш интеллектуал фаолият бўлиб, у чегаралangan вақтда ва назорат қилинадиган шароитларда амалга оширилади. Тест синовлари натижаларининг холислиги, биринчи навбатда, тест топшириқларининг сифатига боғлиқ, шунинг учун топшириқларни ишлаб чиқиша замонавий тестология фани назарияси ва амалиётига асосланган талабларни инобатга олиш зарур.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, **тестология** - шахснинг турли хил хусусиятларини маҳсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир.

Замонавий тестология етук амалий фан бўлиб, ўзида тест топшириқларини яратишнинг асосий тушунчалари ва терминларини,

тамойилларини, шаклларини (тузилишини), мазмунига, қийинлигига қўйиладиган талабларни, тест топшириқларини баҳолаш шкалаларини, яъни тест топшириқлари банкини яратиш бўйича фаолиятни белгиловчи меъёрларни ўзида жамлайди.

Хозирги вақтда ихтиёрий таълим муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фаолиятида ўқитадиган фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш усули сифатида тест ўтказишдан фойдаланади. Бунинг учун у илмий асосланган тест топшириқларини Давлат таълим стандартлари ёки Давлат талабларига мос таълим дастури бўйича ишлаб чиқиши зарур. Таълим муассасалари ўқитувчилари замонавий тестология фани талабларига жавоб берадиган тест топшириқларини ишлаб чиқиши учун маҳсус тайёргарликни ташкил этиш зарур.

Таълим тизими учун тестологларни тайёрлаш бўйича чет эл мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси (РФ) тажрибаси ўрганилган. РФ таълим тизимида педагоглар малакасини ошириш таълим муассасаларида тестолог-мутахассисларни тайёрлаш курслари ташкил этилган бўлиб, қўшимча «Тестолог», яъни педагогик ўлчовлар соҳаси бўйича мутахассис малакасини олмоқчи бўлган шахсларни тайёрлаш учун кўплаб касбий таълим дастурлари мавжуд. Бунинг учун касбий таълим дастурлари ва тайёрлаш даражасининг минимум мазмунига қўйилган Вактинчалик давлат талаблари тасдиқланган. Дастур таълим тизимининг профессор-ўқитувчилари, педагогик ва илмий-тадқиқотчи кадрлар таркибидан тестологларни тайёрлаш учун мўлжалланган. «Тестолог» малакаси олий таълим муассасаларини педагогика ва психология йўналишлари бўйича битирувчиларнинг, шунингдек, магистратура битирувчиларнинг асосий малакасига қўшимча бўлиб ҳисобланади. Дастурдан, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим ва қўшимча касбий таълим тизимида ҳам фойдаланиш мумкин. Қайд этилган қўшимча малака шахсларга малака имтиҳонлари ва малакавий иш ҳимояси муваффақиятли якунлангандагина берилади. Касбий таълим дастури бўйича тайёрлашнинг меъёрий муддати 1480 соатни ташкил этади. Ўқитиши шакли – кундузги. Ушбу дастурнинг мақсади курсни ўқиган шахсларни қуидаги

фаолият турларига тайёрлашдан иборат: ҳар хил турдаги педагогик тестларни ишлаб чиқиш; педагогик тестларни ўқув жараёнида қўллаш; тест топшириқлари сифатини экспертиза қилиш; педагогик ўлчовлар соҳасида тадқиқотлар ўтказиш; педагогик жамоани педагогик тестлар имконияти билан таништириш; педагогик ўлчовлар муаммолари бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ўтказиш. Педагогик ўлчовлар бўйича мутахассисларнинг фаолият соҳаси таълим муассасалари, шунингдек, фаолияти таълим тизими билан боғлиқ бўлган бошқа муассаса ва ташкилотлар бўлиши мумкин.

Шунингдек, ягона давлат имтиҳонининг очиқ турдаги топшириқларни текшириш бўйича минтақавий предмет комиссиялари эксперталарни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш амалиёти бўйича РФ тажрибаси ўрганилган. Бунда Педагогик ўлчовлар федерал институти мутахассислари томонидан олий касбий таълимнинг давлат таълим стандарти асосида эксперталарни тайёрлаш курси дастури ва курсни ўтказиш учун ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинди. Курснинг мақсади мутахассис-эксперталарнинг очиқ турдаги топшириқларни текшириш ва баҳолаш соҳасидаги касбий маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унинг вазифалари:

- тингловчилар томонидан ягона давлат имтиҳонининг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришдан; тингловчиларда таълим ютуқларини баҳолашнинг замонавий технологиялари ҳақида, синовларни ўтказиш жараёнини ва очиқ турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи меъёрий хужжатлар мазмuni ҳақида асосий назарий-услубий билимлар тизимини шаклланишига кўмаклашишдан;

- фандан тузиладиган назорат материалларининг тузилиши ва мазмuni, ҳар хил турдаги (жавобни танлаш, қисқа жавобли, очиқ турдаги) топшириқлардан мақсадли фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва усувлари тўғрисида тушунчаларининг шаклланишига кўмаклашишдан;

- очиқ турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи күрсатмалар билан ишлаш; очиқ турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва холис баҳолаш; мінтақавий предмет комиссиялари экспертларини мұстакил ташкил этиш ва тайёрлаш бүйіча күнікмаларини шаклланишига күмаклашишдан иборат.

Таълимий тестларнинг долзарб муаммолари бүйіча хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганиш күпгина давлатлар (Англия, Франция, Германия, Япония, Америка Құшма Штатлари)да охирги ўн йиллик ичіда тест жараёнига ўзгартириш киритиш тенденциясига ўтилаётганligини күрсатди. Бунда ёпік тест топшириқлари асосида ўтказилған тест синовлари билан чегараланиб қолмаслық, балки очиқ тест топшириқлари асосида ўтказилған тест синовлари на факат ўқувчининг билимини, балки ечиш усулларини, баён этиш мантиқини, фикрлаш ва бошқа қобиляйтларини, шунингдек, амалий топшириқларни бажариш имконини бериши таъкидланған. Тестологиянинг ілмий-услубий асослари, уларнинг татбиқи ва бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибалари тест ўтказиш (баҳолаш) мақсадға кўра амалга оширилишини талаб этади. Яъни қабул, мониторинг, аттестация ёки бошқа жараёнлар учун ўтказиладиган тест синовларида кўзланған мақсадға қараб очиқ ёки ёпік турдаги тест топшириқларини кўллаш тавсия этилади.

Давлат тест марказига жалб қилингандай эксперталар тест топшириқларини яратыш технологияларини билиши ва кўллаши жағон андозалари даражасида бўлиши давр талаби бўлиб, ДТМнинг тест синовлари технологияларини ривожлантириши бүйіча олиб борадиган фаолияти бевосита тестологлар тажрибасига ва малака-күнікмаларига боғлиқдир.

Давлат тест маркази қабул тест синовларини такомиллаштириш ва тест тузувчиларни тайёрлаш бүйіча маълум тажрибага эга. 2004-2009 йиллари давлат тест маркази ва Британия Кенгashi ҳамкорликда тест синовларини такомиллаштириш ва тест тузувчиларни тайёрлаш бүйіча лойиҳани амалга оширедилар. Лойиҳа тест ўтказишнинг замонавий самарали усулларини

татбиқ этиш, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, математика, кимё каби фанлардан тест тузувчилар гурухини тайёрлаш, пилот вариантда тест топшириқларини тузиш ва ўтказиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, ўқитувчилар учун семинарлар ўтказиш масалаларига қаратилган. Ушбу лойиҳа бўйича ўқитилган ўқитувчилар ҳозирда республикамиз таълим муассасаларига қабул тест синовларини ўтказиш учун тест топшириқларини тайёрлаш ва экспертиза қилишда иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ишлатилаётган тестлар махфийлигини ва тест синовларини ўтказишнинг холислигини таъминлаш учун тест топшириқларини ишлаб чиқувчиларни ва тестлар банкини даврий янгилаб туриш зарур. Ҳозирги вактда тест топшириқларини тузиш жараёнида махсус ўқитилган тест тузувчиларни даврий алмаштириб туриш учун улар етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралда 25-сонли қарори билан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари»да педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар, умумий малака талаблари белгиланган. Жумладан, давлат талабларида таълим оловчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати бўйича “Педагог таълим оловчиларнинг билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим оловчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шаклларини самарали кўллаш маҳоратига эга бўлиши керак”лиги белгиланган.

Шулардан келиб чиқиб, республикамиз таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш учун тест топшириқларини тузиш, тест синовлари натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш усусларини, ёндашувларини ўзлаштириш мақсадида мутахассис – тестологларни даврий ўқитиш зарур бўлади. Шу мақсадда Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари тизимида республикамиз педагогик ходимларни

ўқитиши жараёнига касбий таълим дастури бўйича “Замонавий тестология асослари” ўқув курсини киритиш тавсия этилади. Ушбу курс таълим дастурини ишлаб чиқишида таълим тизими учун тестологларни тайёрлаш ишлари бўйича халқаро тажрибадан фойдаланиш мумкин.

Тестология тушунчаси. **Тестология** - шахснинг турли хил хусусиятларини маҳсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуслари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир. Таълимнинг асосий мақсади — ўқувчиларга фанлар бўйича назарий билимлар бериш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда маънавий, ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, дунёқарашларини шакллантириш, кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Берилаётган билим, ҳосил қилаётган кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва баҳолаш ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларни аниқлашда эса турли форма ва методлардан фойдаланилди. Жумладан, савол ва жавоблар, сухбат, ёзма ишлар колеквиум, семинар, синов, имтиҳонлар ўтказиш ва бошқалар. Юқорида қайд қилинган форма ва методларга нисбатан тест топшириқлари асосида синовлар ўтказиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашда ҳамда баҳолашда анча қулай ва самарали йўллардан бири ҳисобланади.

Тестлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини (қай даражада) ва баҳолашнинг объектив миқдорига бўлган зарурият билан боғлиқдир. Тест — инглизча сўз бўлиб, «тестстр», яъни «текшириш» маъносини билдиради. Тестлардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида, Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида (1884), немис олими Эббенгауснинг (1897) нуқтали бўлиб қолдирилган матнларида келтирилган. XIX асрнинг дастлабки ўтган йилида мактабда ўзлаштиришни

аниқлашга хизмат қилувчи тестлар Германияда, кейинчалик АҚШда яратилиб янада ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бундай тестлар Буюк Британия, Скандинавия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Германия мактабларида муваффакият билан қўлланиб келинмоқда.

Тестлар умуман қуидаги қисмларга бўлинади: а) психолого-педагогик; б) социологик. Психолого-педагогик тестлар — шахснинг психолого-педагогик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди. Педагогик тестлар таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди. Социологик тестлар — шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди. Бу ерда кўпроқ педагогик тестлар ҳакида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади. Предмет тестлари ҳар бир предметдан ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, системалаштириш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадларига қаратилиши мумкин. Ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнида юқоридаги тест формаларининг исталганидан фойдаланиш мумкин. Битириш ва кириш имтиҳонларида программалаштирилган тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тест варианти қанча кўп бўлса, синов натижаси шунча объектив бўлади. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Касбий таълим йўналишлари талабаларни илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан куроллантириш мақсадида яратилган. Тестшунослик асослари мазмунини ёритишда унинг одатдаги ўқитиш усулларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимига уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўқув материалини тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилган. Тузилган тест топшириқлари факатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам

бажаради. Чунки, бу тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равишда ўзлаштиришга ҳам эришилади.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

- 1.“Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?
- 2.Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб беринг;
- 3.Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб беринг;
- 4.Тест синовлари эволюцияси нима?
- 5.тест топшириқларининг шакллари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
- 3.Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
- 5.Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
- 6.Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000г., 14 стр.
- 7.Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РФ, Федеральный институт педагогических измерений. Сборник материалов для организации подготовки региональных экспертов ЕГЭ в 2005 г., 26 стр.
- 8.Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.
- 9.Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.
- 10.Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001 г., 26 стр.

- 11.Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007, - С.29-41.
- 12.Қосимов С., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009 й., 41 бетда.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.
- 14.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 1-сони.
- 15.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 2-3-сони.

2-мавзу. Тест тузиш методикаси (1 соат амалий)

Режа:

- 1.Тест тузиш методикаси. Тестларнинг стандарт меъёрлари.**
- 2. Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма.**
- 3.Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.**

Таянч сўзлар. Тест методикаси, Стандарт, меъёр, тест мазмуни, Нисбий норма.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун, уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиш зарур. Булар қўйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига қўра табақалашганлиги; самарадорлик (кумулятивлик); тил равонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик; вақтнинг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби.

Тест тузиш методикасининг асосий қоидаларидан бирига нима мақсадда тест тузилаётганлигини аниқлаштириш киради. Бунда Тест топшириқларини тузиш ва синаш методикаси, Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар, Тест режасини ишлаб чиқиш, Фан бўлимлари бўйича тест режаси, Ўқув материалини ўзлаштириш даражалари бўйича тест режасини аниқлаштириб олиш зарур.

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар. Тузилган тест топшириқларининг ҳаммасини ҳам бирдек қўллашга яроқли деб бўлмайди. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун, уларни тузишда бир қанча

талабларга риоя қилиш зарур. Булар қўйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табакалашганлиги; самарадорлик (кумулятивлик); тил равонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик; вақтнинг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

Энди мазкур талабларни бирма-бир қисқача кўриб чиқайлик.

1. Ўқув мақсадига мувофиқлиги. Тест топшириқларининг мазмуни аниқлаштирилган (идентификацияланган) ўқув мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишига эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

2. Материалнинг аҳамиятлилиги. Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри кўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий хulosага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хulosалар (индуktiv) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилияtlарини кўрсатади.

3. Илмий аниқлик. Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

4. Изчиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга таалуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айни

бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) күринади.

5. Тұқислик ва үйғунлик. Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзуу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши ахамиятли. Бу талаб тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.

6. Ўзлаштириш даражасига күра табақаланғанлығи. Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эслаб қолганини тасвирлаш, самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим. Бу талаб ҳам тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.

Билиш даражасидаги тест топшириқлари аввал ўзлаштириб олинган маълумотларни қайта тиклашга асосланади. Бунда хотира қуввати катта ахамиятга эга бўлади.

Репродуктив даражадаги тестларда эса, талаба олдин ўзлаштирилган маълумотлар асосида мустақил фикрлайди, топшириқ бажарганда эса, фандা аввалдан маълум бўлган қоида ва алгоритмларга (йўлланмаларга) суянади. Бундай ҳолда у, эсда қолганни тасвирлаш, қайта тиклаш йўлидан боради.

Самарадор билимлар ва ижодий фикрлашга оид тест топшириқлари эса синалаётган шахснинг маълум умумий услубларни топшириқда кўрсатилган аниқ шарт-шароитларга мустақил қўллаш лаёқатини синайди. Самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш фаолияти тайёр қоидалар ва алгоритмлар асосида эмас, маълум қоидаларга кўра яратилган ёки янги шароитдаги фаолият жараёнида қайта яратилган қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ижодий фикрлаш даражасига оид тузилган тестларда топшириқ умумий ҳолда баён этилади, мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳатти-харакатлар ва вазиятларни талаба ижодий фикрлаш натижасида аниқлайди. Бундай тест топшириқларни ечиш жараёнида бутунлай янги ахборот (қоида, хулоса, шакл ва ҳ.к.) яратилади.

7. Самарадорлик (кумулятивлик). Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий талаб эмас. Чунки, замонавий компьютер тест тизимида талабага

навбатдаги тест топшириги, аввалгисини қандай ечганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириклари берилиши мумкин.

8. Вақтнинг қатъий белгиланганлиги. Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топширикларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлди.

9. Ихчамлик. Тест топширикларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топширикларига бўлиб тузилгани маъқул.

10. Тил равонлиги, аниқлиги ва бир маънолилиги. Тест топширикларида кўп маънолилик ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚСҲда тест топширикларини тузувчилар гурухига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва рухшуносдан ташқари адабий мухаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

11. Мураккаблик меъёри (яроқлилиги). Тест топшириклари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун, улар оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқдан-очиқ аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига тенг ($\Pi\kappa 0,5$) бўлган тест топшириклари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа ўқув материалини яхши ўзлаштирган ёки чукур тайёргарлик кўрмаган талабани аниқлашни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам, абитуриентларни танлаш, битирув имтиҳонлари каби муҳим тадбирлар учун тест топшириклари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган талабаларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Демак, маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичdir. Шуни унутмаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириклари бошқачароқ мезон билан баҳоланади. Бунда 50 эмас, балки 85

фоиз кўрсаткич мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу хақда олдинги мавзуда баён этилган.

12. Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги.

Тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қиласди. Талабалар бу фарқни тез англақ оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло ёъл қўйиб бўлмайди.

13. Вариативлик. Ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалига тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш ёълида топшириқлар туркумини яратиш имконини беради (инвариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатлаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

14. Шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик. Бу талаб фалсафадан, унинг қоидаларини санъат асарларини ўрганишга қиёслашдан олинган. Гегел фикрича, ҳақиқий санъат асари шаклан ва мазмунан яхлит асардир. Бинобарин, тест топшириқлари ҳам шаклан ва мазмунан уйғун бўлиши лозим. Тест топшириқларини юқоридаги талаблар асосида тузиш, ўқитувчиларнинг тест тузиш назарияси бўйича маълумотга эга бўлишларини талаб қиласди. Бунинг учун тестшунослик курсларида ўқиш ва тегишли адабиётларни мустақил ўзлаштириб бориш зарур.

Тест топшириқлари тузишга оид юқоридаги талабларга риоя қилиш, уларнинг талабалар билимини ҳаққоний ва аниқ ўлчаш хусусиятларини таъминлайди. Бунинг учун тест топшириқлари тузишда мутахассис олимлар, фан ўқитувчиси, услубчи, педагог ва психологларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш зарур.

Тест режасини ишлаб чиқиши. Ўқув фан бўйича тест топшириқлари тузишини **унинг режасини** ишлаб чиқишидан бошлаш тавсия қилинади.

Аввал фан бўйича тест топшириқларининг умумий сони белгиланади. Тегишли кафедра бу масала бўйича қарор қабул қиласди. Бунда мазкур ўқув фанини ўрганишга ажратилган умумий соатлар сони ва тест тузишга оид талаблар ҳисобга олинади. Дарсхона машғулотларининг ҳажми катта бўлган курслар учун ўқув режаси бўйича мазкур ўқув фани соатларидан кўпроқ тест топшириқлари сонини танлаш мақсадга мувофиқ. Бу машғулотларнинг ҳар бир ўқув соатига тестда 1-2 та савол қўйишга имкон беради. Масалан, ҳажми 144 соатлик ўқув фанига бир вариант учун 150-160 топшириқни ишлаб чиқиш мумкин. Агар ўқув фанининг соати кўп бўлмаса, (мас. 36 соат) тест топшириқлар сонини белгилашда, унинг ишончлилиги билан боғлиқ бўлган фикрларга асосланиб иш кўрилади. Бунга асосан 50 топшириқда ишончлилик (билимларни ўлчаш аниқлиги) тахминан 0,7 бўлади, ишончлиликни 0,9 га етказиш учун топшириқлар сони 130 та бўлиши керак. Ишончлилиги 0,7 дан кам бўлган топшириқлар якуний баҳолаш учун яроқсиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, якуний баҳолаш учун тузилган тест топшириқларининг сони энг камида 50 та бўлиши қабул қилинган.

Тест режаси ишлаб чиқилгандан кейин, талабаларнинг тегишли ўқув фанни ўрганиш натижасида, улар оладиган билимларни эгаллашга ва кўникумга ҳосил қилишга оид талабларни шакллантирилади. Бу талаблар одатда ўқув фани бўйича ишчи дастурнинг «фаннинг мақсад ва вазифалари» бўлимида ёзилади. Тест топшириқлари талаб этиладиган билимлар, кўникумларни эгаллаш даражасини тўла-тўқис аниқлаши керак. Бунинг учун тест топшириқларида акс эттирилиши зарур бўлган муайян масалалар рўйхати (тест спецификасияси) ишлаб чиқилади. Масалан:

- А - таърифлай олишни билиш;
- Б - қонунлар, формулалар, тамойилларни билиш;
- В - масалалар ечишда қонунлар, формулаларни қўллашни билиш;
- Г - ўхшашлик ва тафовутни топишни билиш;
- Д - схема ва графикларни ўқишни билиш;
- Е - аппаратлар (техник мосламалар)нинг тузилиши ва ишлатиш қоидаларини билиш;

Ж- ЭХМ қўллаб математик моделлар ва энг мақбул ҳисоб-китоб услубларидан фойдаланишни билиш;

3 - олдиндан таниш бўлган шароитда қарор қабул қила олиш (беморга ташҳис қўйиш, машинани техник ҳолати тўғрисида ахборот бериш, мавжуд маълумотлар асосида бошқаришни билиш ва х.к) ва бошқалар.

Ўз-ўзидан равшанки, келтирилган рўйхат универсал характерга эга эмас, у ҳар бир ўқув фанининг ўзига хослиги асосида тузилади. Масалан: чет тиллар бўйича жумла тузиш каби элементлар; тарихдан муҳим воқялар, атоқли арбобларнинг исми-шарифлари, жамият ривожланишининг изчиллиги каби элементларни ўз ичига олади.

Ҳар бир билим ва кўникмани текширишга тест топшириқларининг муайян фоизи ажратилиши зарур. Тест режасини ишлаб чиқиша бу ғоят муҳим ишдир, тест валидлиги, яъни унинг ўқув дастурига мувофиқлиги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ бўлади.

Бу масала бўйича, тест ишлаб чиқувчилар ўқув фанининг ишчи ўқув дастурини таҳлил қилиш асосида муайян бир фикрга келишлари мумкин. Сўнгра қабул қилинган топшириқлар сонини ўқув фани бўлимлари ва ўзлаштириш даражалари бўйича тақсимланади. 8-9 жадвалларда 120 та топшириқни ўқув фанининг 4 та бўлими ва ўзлаштириш даражалари бўйича тақсимлаш мисол келтирилган.

Бундай режани ишлаб чиқиш тест валидлигига, унинг ўқув дастури мазмунига мувофиқлиги ва талабалар олган билим, кўникма ва малакаларининг пухта бўлишини кафолатлайди. Тестнинг умумий режаси ишлаб чиқилгандан сўнг, топшириқларни танлаш ва тузиш - энг масулиятли босқич ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, бу вазифа одатда курс бўйича бир неча марта дарс берган ва тест бўйича талабалар билимини синаб қўрган энг тажрибали ўқитувчилар иштирокида амалга оширилади.

Тестлар энг камида икки вариантда тайёрланиб, синалувчиларнинг маълум бир қисмига (I вариант ёки А вариант) маълум бир қисмига II вариант (ёки В вариант) қўлланилишини тавсия этамиз. Тестга кирувчи

топшириқлар сони синовнинг қачон ўтказилишига, дастурдаги материал ҳажмининг катта ёки кичиклигига боғлик. Ўқув йили давомида қўлланиладиган тестлар 1 соатга, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларида қўлланиладиган тестлар 2 соатга мўлжалланиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир топшириқни бажаришга сарфланадиган вақт 1 минутдан 3 минутгacha, ўртacha ҳар бир топшириққа ажратиладиган вақт 2 минут атрофида бўлиши мумкин. Шунга амал қилиб тузилган тестларнинг ҳар бир вариантидаги топшириқлар сони: агар синов 1 соатга мўлжалланган бўлса — 25 та, агар синов 2 соатга мўлжалланган 50 та атрофида бўлади. Топшириқлар 1,2,3... ҳ бўлиши, уларнинг жавоблари эса алфавит бўйича (A, B, C, D, E) ҳарфлар билан белгилангани маъқул. Ўзбек адабиётидан ўтказиладиган тест машғулотларида ўқувчиларнинг адабий фактларини: халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт хусусиятлари, хилма-хил жанрлари, мактабда ўрганилган адабий асарлар мазмуни, улардаги қаҳрамонларнинг асосий хусусиятлари, бадиий тасвир услублари, ҳамда воситаларини, ижодий ҳамкорлик кўринишларини қанчалик пухта билиши белгиланади. Тест топшириқларини махфий ҳолда тайёрланиши ва топшириқларнинг тўғри жавоблари (яъни калити) факат унга жавобгар шахсда бўлиши, синов тугагандан сўнг текширувчига шахсан берилиши яна қайтариб олиниши шарт. Тест синови калитлари баҳолаш меъёри қуидагича: Баҳолаш 5 балли система асосида бўлганлиги учун, тестга кирувчи умумий топшириқлар сони «5» (баҳо)га бўлинib, ҳар бир баҳога тўғри келувчи, тўғри жавоблар сони белгилаб олинади. Масалан: тестдаги умумий топшириқлар сони 25 та бўлиб, мураккаблик даражаси бўйича уларнинг ҳаммаси бир хил балл билан белгиланган бўлса, 5 га бўлинганда 5 чиқади. Демак, 25 та топшириқнинг ҳар 5 та тўғри жавобига «1» баҳо қўйиш мумкин. Яъни, 1-5 тўғри жавоб - «1» баҳо; 6-10 тўғри жавоб - «2» баҳо; 11-15 тўғри жавоб - «3» баҳо; 16-20 тўғри жавоб - «4» баҳо; 21-25 тўғри жавоб - «5» баҳо. Тест топшириқларини тузища қуидаги принципларига амал қилинади. 1) Илмийлик; 2) Изчилик; 3) Ихчамлик ва аниқлик; 4) Формал эмаслик; 5) Мантикий кетма-

кетлик; 6) Системалик; 7) Умумийлик ва хусусийлик; 8) Оддийлик ёки муракқаблик; 9) Кўргазмалик; 10) Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги; 11) Тафаккурни ривожлантириш; 12) Ижодийлик; 13) Мустақиллик ва онглилик; 14) Табақалаштириш, яъни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; 15) Тарбиявийлик; 16) Ўқув дастурига мослик; 17) Вақт жиҳатдан объективлик; 18) Кўллашга мумкинлик. Юқоридаги принципларга амал қилинган ҳолда тузилган тестлар юқори сифатли, самарали бўлади.

Фан бўлимлари бўйича

т е с т р е ж а с и .

1-жадвал.

Ўқув фани бўлимлари	Топшириқлар сони	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида
1.	12	10
2.	36	30
3.	48	40
4.	24	20
Ж а м и :		120–100%

Ўқув материалини ўзлаштириш даражалари бўйича
т е с т р е ж а с и .

Бўлимлар ва уларни текшириш бўйича топшириқлар фоизи.	Бўлимлар, ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар сонининг тақсимланиши.												Бахолаш учун жами топшириқлар сони.	
	1-10%			2-30%			3-40%			4-20%				
	<input type="checkbox"/> 1	<input type="checkbox"/> 2	<input type="checkbox"/> 3	<input type="checkbox"/> 1	<input type="checkbox"/> 2	<input type="checkbox"/> 3	<input type="checkbox"/> 1	<input type="checkbox"/> 2	<input type="checkbox"/> 3	<input type="checkbox"/> 1	<input type="checkbox"/> 2	<input type="checkbox"/> 3		
A-5%	1			2			2			1			6	
Б-15%		2			6			7			3		18	
В-30%	1	1	2		5	5		9	10			3	36	
Г-10%		1			4			5			2		12	
Д-5%		1			2			2			1		6	
E-15%		1		2	3	1		5	3		1	1	18	
Ж-10%			1			4			4			3	12	
З-10%		1				2			1				12	
Жами	12			36			48			24			120	

1, 2, 3 - ўзлаштириш даражалари (билиш, репродуктив, самарадорик). Бу мисолда ўзлаштиришнинг энг юқори даражаси-ижодий фикрлашга оид тест топшириқларни тузиш назарда тутилмаган.

Ишлаб чиқиладиган тест топшириқлари сони, режалаштирилган сондан тахминан икки-уч марта кўпроқ бўлиши керак. Бу, бир хил ўқув фани бўйича тестларнинг бир неча турли вариантларини яратишда зарур бўлади. Тажриба кўрсатишича, топшириқларнинг тахминан ярмидан кўпроғи биринчи синовдан кейин, бошқаларидан эса кейинги чуқур таҳлил жараёнида яроқсиз деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки, педагогик технология таълим жараёнини инқироздан ҳоли этиш, уни бозор иқтисоди шароитига мос ҳолда такомиллаштириш ва Давлат

таълим стандарти талаблариға мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган колледжларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди».

Зеро педагогик технологиядан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар ўқув жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришаётганликлари ҳаётда ўз тасдигини топмоқда. Ушбу қўлланмада баён этилган маълумотлар эса бу педагогик технологиянинг дидактик салоҳияти тўғрисида фикр юритишга асос бўлади. Айниқса, ташҳизланувчан ўқув мақсадларини белгилаш, жорий, мезоний ва якуний баҳолаш, репродуктив ўқитишни алгоритм бўйича олиб бориш, талабаларни мустақил билим олишга ундаш, ўқув жараёнини доимо ривожланиб борувчи динамик тизим сифатида лойиҳалаш каби ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда педагогик технология катта имкониятларга эга.

Педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суст обектдан фаол субектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириқлари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва такомиллашади.

Педагогик технология доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга мурожаат қилиш эса, ўқув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли шакл, услуг ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, педагогик технология тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш, ўқув жараёни мазмунини талаба шахсига, унинг қизиқишилари, интилишилари, ёш даврлари хусусиятларига ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Тест тузиш методикаси,
2. Тестларнинг стандарт меъёрлари,
3. Тестларнинг мазмани ва кўрсаткич нормалари.
4. Ёш нормалари.
5. Гурухий нормалар.
6. Нисбий нормалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
5. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
6. Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000г., 14 стр.
7. Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РФ, Федеральный институт педагогических измерений. Сборник материалов для организации подготовки региональных экспертов ЕГЭ в 2005 г., 26 стр.
8. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.
9. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.

- 10.Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001 г., 26 стр.
- 11.Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007, - С.29-41.
- 12.Қосимов С., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009 й., 41 бетда.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.
- 14.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 1-сони.
- 15.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 2-3-сони.

3-МАВЗУ. Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиши ва натижаларининг таҳлили (1 соат амалий)

Режа:

- 1.Тестлар тўпламини шакллантириш**
- 2.Тест ўтказишига тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиши.**
- 3.Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш**

Таянч сўзлар. Тест тўплами, Масофавий таълим, Таҳлил, Экспертиза.

Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари. Тестлар тўпламини шакллантириш Тест ўтказишига тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида Тестология фанининг ўрни. Биринчидан, 20 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ОЎЮГа тест синовлари орқали қабул амалга оширилаяпти; иккинчидан кўпгина ОЎЮнинг баъзи йўналишларида жорий, оралиқ, якуний назоратлар тест топшириклари билан ўтказилиш йўлга қўйилмоқда. Бу ва бошқа ҳолатлар ОЎЮ профессор – ўқитувчилари ҳамда ходимларининг тест топшириклари, Тестология фани бўйича чуқурроқ билимга эга бўлишини талаб қиласди. Тестология бўйича билимларнинг такомиллаштирилиши ОЎЮда инновация ютуқларини кўллаш ва таълим тизимини модернизациялаш жараёнида ўзининг ифодасини топади. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 марта ги “Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-361-сонли фармони мамалакатимиз олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни танлаб олиш соҳасида таълимдаги туб ислоҳотларни бошлаб берди. Дастлаб республикамизнинг 6 та олий таълим муассасасида тест синови асосида ўқишига қабул қилиш тажрибадан ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ 1992 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўйимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” ги 181-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўйимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланди ва 1992 йил 15 апрелдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий ўқув юртларининг кундузги бўйимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази ташкил этилди. Марказ зиммасига олий ўқув юртларига талабалар танлаб олиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва олий ўқув юртларига ўқишига кираётган ёшлар учун ягона мезонлар жорий этиш, қабул ва тест технологияси қоидаларини, энг қобилиятли ёшларни қидириб топиш методларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди.

1993 йилда 46 та олий таълим муассасаларининг 19 тасида тажриба тариқасида тест синовлари ўтказилди. 1994 йил 14 майдаги 258-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида” ги қарори билан Олий ўқув юртларининг кундузги бўйимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига айлантирилди. Давлат тест маркази зиммасига олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш юклатилди.

1994 йилдан бошлаб олий ўқув юртларида абитуриентларнинг билимларига баҳо бериш тест усулини қўллаган ҳолда танлаш амалиётга жорий этилди. Ўрта маҳсус ўқув юртларида тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар танлаш 1994 йилда айрим ўрта маҳсус ўқув юртларига, 1995 йилдан бошлаб эса — идоравий бўйсунишидан қатъи, назар барча ўрта маҳсус ўқув юртларига жорий этилди.

2004 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги 293-сонли қарори қабул қилинган бўлиб,

Давлат тест маркази ўз фаолиятини мазкур қарор асосида олиб бормоқда. Тест тизими 1992 йилда икки вариантли моделлари ҳамда чекланган ҳажмдаги тест материалларидан ташкил топган универсал саволлар китобчаси билан бошланган эди. 1992 йилда тестлар икки вариантли (А, В) бўлиб, она тили, математика, ижтимоий фанлар-тариҳ ва география, табиий фанлар-физика, география, кимё, хорижий тиллар бўйича **50 тадан** саволлардан ташкил топган. Абитуриентлар таълим йўналишига қараб З тадан фанни танлаганлар. 1993-1994 йилларда тестлар икки вариантли (А, В) бўлиб, кундузги ва кечки бўлимлар учун она тили, математика, ижтимоий фанлар-тариҳ ва география, хорижий тиллар бўйича **48 тадан** саволлар, табиий фанлар-физика, география, кимё бўйича **72 та** саволлардан ташкил топган.

1995 йилда тестлар 3 вариантли (A, B, C) бўлиб, она тили, математика, физика, кимё, биология, история, география, хорижий тиллар, ўзбек тили, рус тили бўйича **36 тадан** саволлардан ташкил топган. Кам микдордаги вариантда етарлича чекланган ҳажмдаги тест материалларидан фойдаланиш билимлар даражасини баҳолаш, аниқлашда холислик ва мувофиқлик, мослики таъминлай олмади, маҳфийликни муҳофаза қилиш тартибини мураккаблаштириди. 1996 йилда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари қабули жараёнидаги тест синовларида тест топшириклари вариантларини таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича компьютер ёрдамида генератсиялаш (тузиш)га асосланувчи янги, кўпвариантли тест тизими яратилди ва қўлланилди. Ушбу тест тизимидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилмоқда. 2009 йилда 80 та ҳар бир типдаги саволлар китоби учун 30 тадан вариант жорий этилди. 2010 йилда ҳар бир абитуриент учун индивидуал вариантили тест тизимига ўтиш амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Девони топширикларига мувофиқ ҳар йили қуйидаги тадбирларни амалга оширишда тест синовлари ўтказилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 118-сонли қарорига асосан олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш учун;
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги “Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 265-сонли қарорига асосан чақириувчиларнинг билим савиясини аниқлаш учун;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сонли қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш учун;
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги “Умумтаълим мактабларининг 9-синф бити्रувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиши билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-хукуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 109-сонли қарорига асосан умумтаълим мактабларининг 9-синф бити्रувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш учун;
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли қарорига асосан айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаб-интернатларининг 5-синфига қабул қилиш учун;
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рафбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарорига асосан бакалаврият талабаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатларини аниқлаш учун;

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарорига асосан магистратура талабаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатларини аниқлаш учун;

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарорига асосан аспирантлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатларини аниқлаш учун;

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарорига асосан республика фан олимпиадаларининг 4-босқичи ғолибларини аниқлаш учун;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4435-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси магистратурасига қабул қилиш учун;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги “Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Ҳарбий-тиббиёт факултетини ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сон қарорига асосан Тошкент тиббиёт академиясининг Ҳарбий-тиббиёт факултетига танлов учун.

Ҳар йили тест синовидан ўтаётган республика фуқаролари сони **750,0** мингдан ошади.

Хозирги даврда ишлаб чиқариш, техника ва технология ҳамда илм-фаннынг тезкор ривожланиши юқори савияли, салоҳиятли мутахассисларга бўлган талабни ошириб бормоқда. Бунда юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини берадиган олий таълим сифатини ошириш муҳим ўрин тутади. Олий таълим сифати таълим хизмати бозорининг шаклланганлигига, унинг самарадорлигига, таълим сифатини баҳолаш механизмларига боғлиқ.

Жаҳон тажрибасида олий таълимни баҳолаш тизимлари икки турга бўлинади:

1. Олий таълим муассасалари ривожланишини мувофиқлаштирувчи давлат бошқарувининг ваколатли органи мавжуд бўлган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Бу ҳолларда баҳолаш тизими ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи давлат органларининг устиворлигига асосланади. Бунда ўз-ўзини баҳолашга эътибор пастроқ бўлиб, асосий ургу давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган самарали ташқи баҳолашга қаратилган бўлади. Бундай баҳолаш тизимлари кўпинча ҳукумат назорати, лицензиялаш, давлат аккредитацияси, турли олий таълим муассасаларини солиштириш, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва университетларга таъсир ўтказиш билан боғлиқ. Олий таълимнинг давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлган мамлакатлар қаторига Европанинг Германия, Франция, шунингдек, европача олий таълим анъаналарини қабул қилган МДҲ мамлакатлари киради.

2. Олий таълимни давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлмаган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Бу ҳолларда университетлар фаолиятини яхшилашга, ички таҳлилга асосланган олий таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш, ёки касбий, ёки жамоатчилик баҳолаши устиворлик қиласи. Олий таълим бўйича ўз-ўзини мувофиқлаштириш мамлакатлари қаторига, биринчи навбатда, Америка Кўшма Штатлари, шунингдек, америкача олий таълим анъаналарини қабул қилган мамлакатлар киради (Филиппин, Тайвань).

Шу билан бирга, қатор мамлакатларда олий таълимни баҳолашнинг қайд қилинган усуллари биргаликда қўлланилади (Швеция, Норвегия, Финляндия, Буюк Британия, Чехия, Словения ва бошқалар).

Олий таълим муассаса(ОТМ)ларидағи таълим сифатини таққослаш усули – ОТМлар рейтингидир. Рейтинг таълим хизмати истеъмолчиларига – таълим олувчиларга, кадрларга буюртма берувчиларга ва таълим тизимини бошқарув органларига таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади. Рейтинг ОТМнинг ёки унинг мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича фаолиятини акс

эттирувчи кўрсаткичлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг таълим тизимидағи мавқеини белгилайди.

Рейтинг - бу баҳоланаётган бир таълим муассасининг бошқасидан устунлигини тавсифлайдиган сон бўлиб, у кўпинча алоҳида кўрсаткичлар йиғиндисига асосланадиган шартли интеграл кўрсаткич сифатида ҳисобланади. Рейтингни аниқлаш таълим хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, у:

-таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш хамда такомиллаштириш;

-таълим тизими бошқарув органлари, кадрларга буюртма берувчилар, ота-оналар ва таълим олувчиларга таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

Жаҳон тажрибаси рейтинг асосан қўйидаги уч туркум кўрсаткичларни баҳолашга қаратилганлигини кўрсатади:

- иш фаолияти натижаларида эришилган кўрсаткичларни баҳолаш;
- таълим муассасанинг амалдаги ҳолатини тавсифлайдиган кўрсаткичларни баҳолаш;
- муассасанинг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига эришиладиган кўрсаткичларни баҳолаш.

Бунда талабалар сифатли таълим олишлари учун яратилган шартшароитларга, талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашганликларига оид кўрсаткичларни баҳолаш алоҳида ўрин тутади.

Таълим муассасалари рейтингларини ташкил этиш ва аниқлаш усуллари турли-туман бўлиб, давлатларнинг таълим тизимлари ва олий таълимни баҳолаш усуллари билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда бир қатор хорижий давлатлар, жумладан Америка Кўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Польша, Нидерландия, Испания, Япония, Хитой, Россия, Украина каби давлатлар таълим муассасалари рейтингини аниқлаш ва қўллаш бўйича бой тажрибага эга. Улардаги мавжуд рейтинг тизимлари турли ёндошувлар асосида таълим тизимлари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

АҚШда рейтинглар ўтказишида уч гурух сифат күрсаткичлари ишлатилади: талабалар мұваффақияти, ўқитувчилар таркиби эришган ютуқлари ва ОТМнинг академик имкониятлари. Ушбу күрсаткичларни рейтинг күринишига ўтказишида вазнлаш ва жамлаш усули қўлланилади.

Буюк Британияда рейтингни оммавий ахборот воситалари статистик манбалардан олинган маълумотларга асосланиб аниқланади. Кўрсаткичлар орасида илмий ишларга ҳам эътибор қаратилган. Таълим муассасаси ҳақидаги кадрлар истеъмолчилари фикрлари асосий кўрсаткичлардан бири сифатида қабул қилинади.

Германия рейтинг тизими биринчи навбатда мактаб битирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, бунда мутахассисликлар рейтингни аниқланади. Натижада, университетлар яхши, ўрта ва ёмон гурухларга бўлинади. Рейтинг бўйича қарор қабул қилишда асосан университетлар ва улар жойлашган шаҳарлар ҳақида маълумотлар, талабалар контингенти, курслар ва ўқитиш бўйича асосий маълумотлар, ишга жойлашиш, меҳнат бозори ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар фикрлари ҳисобга олинади.

Польшада ОТМлар рейтинги уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида олиб борилади (умумуниверситетлар рейтинги, хусусий университетлар рейтинги, ижодий университетлар рейтинги). Рейтингда ўтган йил рейтинги натижалари ҳам маълум бир вазн билан ҳисобга олинади. Хусусий университетлар рейтинги бевосита университетда олинган ҳамда иш берувчилар ва ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровномалар асосида аниқланади.

Японияда университетлар рейтинги асосан 3 та йўналиш бўйича олиб борилади: таълим фаолияти, илмий тадқиқот фаолияти ва ривожланишга қўшилган ҳисса. Сўнгги вақтларда талабалардан ўтказилган сўровномалар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Россия Федерациясида ОТМларнинг рейтингини аниқлаш 2001 йилдан буён амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда рейтингнинг 2 модели, яъни таълим вазирлиги рейтинги ва оммавий ахборот воситалари рейтинги мавжуд. Биринчи моделда рейтинг экспертлар фикри ва статистик

маълумотларга асосланган, аммо иш берувчилар фикри камроқ ҳисобга олинади. Иккинчи модел нисбатан мустақил, аммо етарли даражада илмий асосга эга эмас. Ушбу икки моделнинг ижобий томонларини ҳисобга олиш мақсадида нодавлат рейтинг Агентлиги ташкил этилган. Рейтингни тузиш учун ижтимоий сўровномалар ва эксперт баҳолаш, битирувчилар сифатини иш берувчилар томонидан баҳолаш, ОТМни ва унинг таълим дастурларини битирувчилар томонидан баҳолаш натижалари ишлатилади. Шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ҳам таълим дастурлари рейтинг аниқланади. Тўпланган маълумотлар айрим мезонларга ажратилиб, уларни вазнлаш, жамлаш ва умумий мезонни аниқлаш учун илмий асосга эга услугият қўлланилган.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнларининг жадаллашганлиги, жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бориши, замонавий технологияларнинг ривожланиши, таълим тизимининг глобаллашуви олий таълим сифатини янада оширишни тақозо этади.

Мамлакатимиз таълим хизмати истеъмолчилари - ўкувчи ва талабаларга сифатли таълим бериш Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунчилик билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (ДТМ) таркибида ташкил этилган “Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошкармаси” вазифалари қаторига таълим муассасалари рейтингини белгилаш ҳам юкланди. Бу борада ДТМ томонидан маълум ишлар амалга оширилди. Олий таълим муассасалари рейтингини белгилашда уларнинг аттестация жараёнида тўплаган балларини асос қилиб олиш тажрибаси қўлланилиб келинмоқда.

ДТМ томонидан 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасалари рейтингини аниқлашга мўлжалланган Муваққат Низом ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан келишилган ҳолда 1 йил муддатга жорий қилинди. Муваққат Низом асосида 2004-2005 ўкув йили учун Республикада фаолият

кўрсатаётган 60 та олий таълим муасссаларининг рейтинглари тажриба сифатида ўрганилиб чиқилди [3]. Олий таълим муассасалари рейтинги 14 та (майда кўрсаткичларга ажратиб қаралганда 22 та) кўрсаткичлар бўйича таълим муассасаларидан олинган маълумотлар асосида аниқланган. Ўқув йили мобайнида белгиланган кўрсаткичлар бўйича олинган маълумотлар жамланиб, дастурлаштирилган ҳисоблашлар асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича таълим муассасасининг ўрни белгиланган ва жами кўрсаткичлар асосида таълим муассасасининг ўқув йили бўйича рейтинги аниқланган. Бунда ОТМлар рейтингини белгилаш учун аксарият ҳолларда маълумотларнинг абсолют қийматларидан фойдаланилган. Масалан, ОТМларнинг адабиётлар билан таъминланганлиги 0-100% оралиғида бўлса, бу кўрсаткич учун баллар мезони 0 дан 100 баллгача оралиқда белгиланган. Баъзи кўрсаткичлар учун эса балл ҳисоблашда муайян маълумот бўйича нисбий микдорлардан фойдаланилган. Масалан, ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари салмоғини аниқлаш тадбиқ этилган битирув ва магистрлик диссертация ишлари сонини жами ишлар сонига нисбати орқали топилган. ОТМларнинг тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллари 22 та кўрсаткич бўйича жами - 2200 баллни ташкил этган. Натижада, қайд қилинган рейтингни аниқлаш мезони бўйича 2004-2005 ўқув йили бўйича ОТМлар рейтинги натижалари таҳлил қилиниб, 22 та кўрсаткичнинг ҳар бири бўйича энг юқори ва энг паст натижаларга эришган ОТМлар қайд этилган. Бунда, айрим характердаги муҳим хulosаларни кўриш мумкин бўлган. Жумладан, 30 та (50%) ОТМларда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар буюртмалари асосида бажарилаётган битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари ҳамда ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилаётган битирув малакавий ва магистрлик диссертация ишлари мавжуд эмаслиги, яъни малакали ва билимдон кадрлар тайёрлаш масаласида долзарб бўлган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар билан алоқалар бирмунча сусайтириб юборилганлиги, бу эса тайёрланаётган кадрларнинг малака савияси пасайишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Талабалар орасида ихтисослик фанлари олимпиадаларини ташкил этиш тадбирлари деярли 80% ОТМларда ўтказилмай келинган. Ўтказилган олимпиада мусобақалари ҳам асосан спорт ёки фундаментал фанлар бўйича ташкил этилган. ОТМларнинг 50%да илмий-тадқиқот ишларида самарали иштирок этиб, муаллифлар қаторида эътироф этилган талабалар салмоғи жами талабалар сонининг 5%ини ҳам ташкил этмаган. ОТМларнинг деярли барчасида ўқув ва лаборатория жиҳозларини янгилаш, тўлдириш бўйича ишлар ҳам анча сусайган. Аксарият маблағлар мебел, компьютер сотиб олиш ва таъмирлаш каби ишларга сарф қилинган бўлиб, ОТМда таёrlанаётган мутахассисликларга оид лабораториялар учун техник ускуна ёки жиҳозлари олингани ҳақида маълумот кам.

ДТМ томонидан 2006-2009 йиллари ўтказилган аттестация натижалари асосида республикадаги 60 та олий таълим муассасаларининг рейтинги тўғрисида маълумот 1-жадвалда келтирилган. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ОТМ рейтинги ҳисобланган:

- профессор-ўқитувчиларнинг илмий даража ва унвонга эга бўлганлари салмоғи, % (жами);
- профессор-ўқитувчиларнинг илмий даража ва унвонга эга бўлганлари салмоғи, % (асосий штат);
- 100 нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар сони (асосий штат);
- Давлат гранти шу жумладан чет эл грантлари, хўжалик шартномалари бўйича олиб борилаётган ишларда ўртacha 1 нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган маблағ учун берилган балл, (асосий штат бўйича);
- Давлат степендиатлари сони (Президент стипендиатлари, Беруний, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек номли стипендиатлар сони).

Дастлабки 4 та кўрсаткичининг ҳар бири 100 баллик тизимда баҳоланган. Давлат степендиатлари сони бўйича эса ҳар бир Президент стипендиатига 10 балл, Беруний, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек номли давлат стипендиатларига 5

баллдан берилган. Талаба "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига эга бўлса, 10 балл берилган.

Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳар бир ОТМ бўйича жами балл, яъни ОТМларининг натижавий рейтинги ҳисобланган. Тест синови натижасига мувофиқ республика бўйича 5058 нафар (38,4 %) ўқувчилар 70 ва ундан кўп балл олган. Жумладан, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гурухларда бу кўрсаткич ўртacha 56,6 фоизни, таълим рус тилида олиб бориладиган гурухларда ўртacha 16 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2011-2012 ўқув йили учун қабул натижаларига нисбатан анча паст, хусусан, ўтган ўқув йилида 7541 нафар (56,4 %) ўқувчи 70 ва ундан юқори балл олган.

Тест натижасига мувофиқ аниқ (табиий) фанлар бўйича Бухоро (56,6%), Навоий (50,7%), Самарқанд (50,5%) вилоятларида 70 ва ундан юқори балл олганларнинг фоизи нисбатан юқори, Андижон (28,7%), Наманган (36,9%) вилоятларида аксинча.

2011-2012 ўқув йилида аниқ (табиий) фанлар йўналишида тест синови топширганларнинг республика бўйича ўртacha 57,3 фоизи 70 ва ўндан юқори балл олган бўлса-да, 2012-2013 ўқув йили учун қабул тест синови натижасида ушбу кўрсаткич 39,7 фоизни ташкил этди. Барча вилоятлар кесимидағи таҳлил мазкур кўрсаткич жорий ўқув йилида ўтган ўқув йилига нисбатан пастлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тест синови натижасида 70 ва ундан юқори балл олганлар сони Бухоро (56,1 %), Сурхондарё (49,1 %), Жizzах (45,6 %), Самарқанд (45,0 %) нисбатан юқори, лекин ушбу кўрсаткич Андижон (21,6%), Наманган (24%), Хоразм (30,1%), Сирдарё (33,8%) вилоятларида паст.

2011-2012 ўқув йилида ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида тест синови топширганларнинг Республика бўйича ўртacha 54,7 фоизи 70 ва ўндан юқори балл олган бўлса-да, 2012-2013 ўқув йили учун қабул тест синови натижасида ушбу кўрсаткич 35,7 фоизни ташкил этди. Барча вилоятлар кесимидағи таҳлил мазкур кўрсаткич жорий ўқув йилида ўтган ўқув йилига нисбатан пастлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида: рейтингни аттестация натижалари асосида белгилаш усули доим ҳам кўзланган натижани бермаслигини қайд этиш лозим. Чунки, таълим муассасасида аттестация ҳар 5 йилда бир марта ўтказилади ва бу жараён таълим муассасаси ички имкониятларини ишга тушириш ҳисобига эришадиган натижаларини баҳолаш имконини бермайди. Рейтингни белгилаш, аттестациядан фарқли ўлароқ, таълим муассасасини бошқа таълим муассасаларига ёки ўзига турдош таълим муассасаларига нисбатан эгаллаган ўрнини белгилайди ва жаҳон тажрибасига кўра уни аниқлаш ҳар йили ёки 2 йилда бир марта амалга оширилиб эълон қилиб борилади.

Келгусида рейтингни белгилашда таълим муассасалари ва уларда тайёрланаётган кадрлар нуфузига оид ижтиомий фикрни ўрганиш мухим кўрсаткич сифатида кўзда тутилиши лозим. Бунда қайд қилинган лойиха бўйича тавсия этилаётган ОТМ рейтингини аниқлаш услубияти асосида тажрибалар ўтказиш, улар натижасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш тавсия этилади. Ҳар ўқув йилида таълим муассасалари рейтингини белгилаб бориш - таълим хизмати сифатини баҳолаш имкониятинигина яратиб қолмасдан, балки шу билан бирга мазкур хизмат сифатининг мустаҳкам моддий ва интеллектуал негизга таяниб шаклланганлигини белгилаб беради. Олий таълим муассасалари рейтинги натижаларини таҳлил этиш Давлат тест марказида босқичли амалга ошириб, кейинги босқичларда таълим соҳалари, амалдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича, вилоятлар кесимида таҳлил этиш ҳамда натижаларни Республика даврий матбуоти саҳифаларида эълон қилиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни унумаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустакил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-

тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул килишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Тестлар тўпламини шакллантириш нима?
2. “Таълим тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг бўлимлари.
3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинган ва унинг босқичлари.
4. Тест ўтказишига тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш афзалликларини баён қилинг.
5. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни
6. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш.
7. Юксак малакали кадрлар тайёрлаш истиқболларини очиб бериш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Олий таълим муассасаларини ранжирилаш ва таълим сифати масалалари. Темпус СМ ТО76Б06-2006 (УЗ) “Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим министроти баҳолаш тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича бажарилган ишлар тўплами. Урганч, 2009й., 98 бетда.
2. Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007, - С.29-41.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ хузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.
4. С. Қосимов, М. Сапаев, А. Юсупов. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009 й., 41 бетда.

5. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 293-сонли қарори.

7.Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000г., 14 стр.

8. Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РФ, Федеральный институт педагогических измерений. Сборник материалов для организации подготовки региональных экспертов ЕГЭ в 2005 г., 26 стр.

Тест саволлари

Кириш тести

1. Тест түркисида фикрингиз?

- A) ижобий
- B) салбий
- C) фарқи йўқ
- D) билмайман

2. Фикрингиз ижобий бўлса, сабаблари?

- A) Синалувчи билимига объектив, холис баҳо берилади ва таълим ҳамда синов жараёнини осонлаштиради
- B) Ҳозир шу жараён ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаяпти
- C) Ҳозир замон шуни талаб қиласаяпти
- D) Ўз фикримни баён қилолмайман

3. Фикрингиз салбий бўлса, сабаблари?

- A) Синалувчининг шахсий фазилатини, нутқи ва дунёқаришини англа бўлмайди
- B) Ортиқча техника, қофоз ва бошқа чиқимларни талаб қиласади
- C) Ҳамма нарсани четдан қабул қиласавериш шартмикан?
- D) Ўз фикримни баён қилолмайман

4. Шахсан ўзингиз ўтаётган фанларингиз бўйича нечта тест топшириқлари тузгансиз?

- A) 50 тача
- B) 100 тача
- C) 150 тача
- D) 200 тача

5. Охирги марта дарс бераётган қайси фанингиз бўйича тест топшириқлари туздингиз?

- A) Биринчи блок фанидан бакалаврлар учун
- B) Биринчи блок фанидан магистрларлар учун
- C) Асосий фан бўйича

Д) Танлов фани бўйича

6. Тузган тестларингизни қанча вақтда ОПИ ўқув ишлари бўлимига топшира оласиз?

- А) Ҳозир
- В) Шу бугун
- С) Эртага
- Д) Кейинги дарсга

Мавзуу бўйича асосий тест саволлари

1.“Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А)* Тест — инглизча сўз бўлиб, “тестр”, яъни “текшириш” маъносини билдиради.
- В) Тест - юононча сўз бўлиб, “синов” маъносини билдиради.
- С) Тест - лотинча сўз бўлиб, “баҳо” маъносини билдиради.
- Д) Тест - арабча сўз бўлиб, “танлов” маъносини билдиради.

2. Тестология қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А)* Тест — инглизча сўз бўлиб, “тест ҳақидаги фан” маъносини билдиради.
- В) Тест — немисча сўз бўлиб, “тест ҳақидаги фан” маъносини билдиради.
- С) Тест — лотинча сўз бўлиб, “тест ҳақидаги фан” маъносини билдиради.
- Д) Тест — юононча сўз бўлиб, “тест ҳақидаги фан” маъносини билдиради.

3. Тестология терминига тариф беринг?

- А)* тестология - шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан
- В) тестология – фаннинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланади
- С) тестология – тест тузиш билан шуғулланади
- Д) тестологи – кириш имтихонлари ҳақидаги фан

1. Тестолог терминига тариф беринг?

- А)* тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисидир

В) тестолог шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчиидир

С) тестолог – фаннинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланади

Д) тестолог – кириш имтихонлари ўтказувчиидир

2. Таълим соҳасидаги тест синови нима?

А)* бу тестдан ўтувчиларнинг маълум ўқув фанлари ёки таълим дастурлари бўйича тайёргарлиги даражасини холис баҳолаш усулидир.

В) тест тузиш усули

С) тест ўтказиш усули

Д) синов воситаси

6. Тест илк бор қайси манбаларда учратилган?

А)* Юнон манбаларида

В) Инглизча манбаларда

С) французча манбаларда

Д) русча манбаларда

7. “Тест” сўзини ким биринчи марта қўллаган?

А) *Тестлардан фойдаланиш ҳакидаги дастлабки маълумотлар инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида

Б) Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида

С) немис олими Эбенгауснинг нуқтали бўлиб қолдирилган матнларида

Д) Аванесов В.С. тадқиқотларида

8. “Таълим тўғрисида”ги Қонун қачон қайта қабул қилинган?

А) *1997 йил 29 августда

Б) 1992 йил 29 августда

С) 1998 йил 29 августда

Д) 2007 йил 29 августда

9.“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинганды?

- A) *1997 йил 29 августда
- B) 1992 йил 29 августда
- C) 1998 йил 29 августда
- D) 2007 йил 29 августда

10. Давлат тест маркази қачон ташкил қилинганды?

- A)*1994 йил
- B)1995 йил
- C) 2004 йил
- D) 2005 йил

11.Ўзбекистон таълим тизимида қачондан бошлаб тест синовларида фойдалана бошланди?

- A)* 1992 йил
- B) 1994 йил
- C) 2004 йил
- D) 2005 йил

12. Тестларнинг қандай турларини биласиз?

- A)* психологияк, социологияк ва педагогика тестлари
- B) психологик, ўқув ва ишлаб чиқариш
- C) илмий, социологияк ва ўқув тестлари
- D) педагогик, илмий ва ўқув тестлари

13. Таълим жараёнида қайси тест туридан фойдаланилади?

- A)* Педагогик тестлардан
- B) Социологияк тестлардан
- C) Психологияк тестлардан
- D) Ўқув ва илмий тестлардан

14. Педагогик тестларга қайсилар қиради?

- A)* Предметлар бўйича тестлар
- B) Социологияк тестлар
- C) Психологияк тестлар

Д) Ўқув ва илмий тестлар

15. Гамоген тестлар тушунчасини аниқланг?

- А)* Бир мавзу бўйича тузилган тестлар
- В) Бир неча мавзу бўйича тузилган тестлар
- С) Битта фан бўйича тузилган тестлар
- Д) Бир неча фан бўйича тузилган тестлар

16. Гитероген тестлар деганда нимани тушунасиз?

- А)* Бир неча мавзу бўйича тузилган тестлар
- В) Бир мавзу бўйича тузилган тестлар
- С) Битта фан бўйича тузилган тестлар
- Д) Бир неча фан бўйича тузилган тестлар

17. Метод сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А)* юонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.
- В) лотинча сўз бўлиб фан деган маънони билдиради
- С) арабча сўз бўлиб усул деган маънони билдиради
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънони билдиради

18. Инновация сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А)* лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман” маъносини билдиради.
- В) лотинча сўз бўлиб фан деган маънони билдиради
- С) арабча сўз бўлиб усул деган маънони билдиради
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънони билдиради

19. Интерфаол сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А)* инглизча сўз бўлиб, “ўзаро таъсир” маъносини билдиради
- В) лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман” маъносини билдиради.
- С) юонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънони билдиради

20. Таълим нима?

- А) * инсоннинг маълум бир тизим асосида олган билим, қўникма, малакаси ва эгалланган маънавий фазилатлари йиғиндисидир.
- В) маълум бир соҳа бўйича билим эгаллаш
- С) ёшларни олий ўқув юртига тайёрлаш

Д) ходимларни илмий иш қилишга тайёрлаш

21. Тест нечта турга бўлинади?

А)* 3 та

В) 4 та

С) 2 та

Д) тўғри жавоб йўқ

22. Жамият ҳаётининг модернизациялаш нима?

А)* б, с, д

В) Янги усулларни қўллаш

С) Янада такомиллаштириш

Д) Янгиланиш

23. Тест тузишдаги дастлабки иш нимадан иборат?

А)* Тест режасини ишлаб чиқиш

В) Тестни қимга эканлигини аниқлаш

С) Мавзуни аниқлаштириш

Д) Тест манбасини аниқлаштириш

24. Предметли тестларга қандай нормалар кўйилади?

1 Тестларнинг мазмуни ва қўрсаткич нормалари

2 Ёш нормалари

3 Гуруҳий нормалар

4 Нисбий норма

5 мавзувий норма

6 илмий норма

А)* 1, 2, 3, 4

Б) 1, 2, 4, 5, 6

С) 2, 3, 4, 5

Д) 1, 2, 5, 6

25. Психологик тестлар деганда нимани тушунасиз?

А)* шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди

Б) таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди

С) шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди

Д) Педагогикада қўлланадиган тестлар

26. Социологик тестлар деганда нимани тушунасиз?

А)* шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди

В) таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди

С) шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди

Д) Педагогикада қўлланадиган тестлар

27. Мактабда ўзлаштиришни аниқлашга хизмат қилувчи тестлар дастлаб қачон ва қайерда пайдо бўлган?

А)* XIX асрнинг охирида Германияда

В) XIX асрнинг охирида Анлияда

С) XIX асрнинг охирида Францияда

Д) XIX асрнинг охирида Туркияда

ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу бўйича

1-Илова

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш босқичлари



2-Илова

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган таълим тизими





Тестология тушунчаси

Тестология - шахснинг турли хил хусусиятларини маҳсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усууллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир.

Замонавий тестология етук амалий фан бўлиб, ўзида тест топшириқларини яратишнинг асосий тушунчалари ва терминларини, тамойилларини, шаклларини (тузилишини), мазмунига, қийинлигига қўйиладиган талабларни, тест топшириқларини баҳолаш шкалаларини, яъни тест топшириқлари банкини яратиш бўйича фаолиятни белгиловчи меъёрларни ўзида жамлайди.

Тестология курсининг вазифалари

Тингловчилар томонидан ягона давлат имтиҳонининг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришдан; тингловчиларда таълим ютуқларини баҳолашнинг замонавий технологиялари ҳақида, синовларни ўтказиш жараёнини ва очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи меъёрий хужжатлар мазмуни ҳақида асосий назарий-услубий билимлар тизимини шаклланишига кўмаклашишдан

очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи кўрсатмалар билан ишлаш; очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва холис баҳолаш; минтақавий предмет комиссиялари эксперtlарини мустақил ташкил этиш ва тайёрлаш бўйича кўнимкамларини шаклланишига кўмаклашишдан иборат

фандан тузиладиган назорат материалларининг тузилиши ва мазмуни, ҳар хил турдаги (жавобни танлаш, қисқа жавобли, очик турдаги) топшириқлардан мақсадли фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва усууллари тўғрисида тушунчаларининг шаклланишига кўмаклашишдан

Таълимнинг асосий мақсади



Таълимнинг асосий мақсади — ўқувчиларга фанлар бўйича назарий билимлар бериш, амалий кўнирма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда маънавий, ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, дунёқарашларини шакллантириш, кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатdir

Тестлар қуйидаги турларга бўлинади

Психологик тестлар
— шахснинг психологоик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди

Педагогик тестлар
таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди.
Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади

Социологик тестлар
— шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди. Бу ердакўпроқ педагогик тестлар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади

2-мавзу бўйича

7-Илова

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар.

1. Тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги;
2. Материал аҳамиятлилиги;
3. Илмий аниқлик;
4. Изчиллик;
5. Тўқислик ва уйғунлик;
6. Ўзлаштириш даражасига кўра табақалашганлиги;
7. Самарадорлик (кумулятивлик);
8. Тил равонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик;
9. Вақтнинг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри;
10. Тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги;
11. Вариативлик;
12. Шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

8-Илова

Тест нормалари

Тестларнинг мазмуни ва
кўрсаткич нормалари

Ёш нормалари

Гурухий нормалар

Нисбий норма

**Тест топшириқларини тузишда
қўйидаги принципларига амал
қилинади.**

1. Илмийлик;
2. Изчиллик;
3. Ихчамлик ва аниқлик;
4. Формал эмаслик;
5. Мантиқий кетма-кетлик;
6. Системалик;
7. Умумийлик ва хусусийлик;
8. Оддийлик ёки мураккаблик;
9. Кўргазмалик;
10. Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
11. Тафаккурни ривожлантириш;
12. Ижодийлик;
13. Мустақиллик ва онглилик;
14. Табақалаштириш, яъни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
15. Тарбиявийлик;
16. Ўқув дастурига мослик;
17. Вақт жиҳатдан объективлик;
18. Кўллашга мумкинлик.

Рейтинг - бу баҳоланаётган бир таълим муассасасининг бошқасидан устунлигини тавсифлайдиган сон бўлиб, у кўпинча алоҳида кўрсаткичлар йиғиндисига асосланадиган шартли интеграл кўрсаткич сифатида ҳисобланади





Рис. Структура валидности



• СТРУКТУРА ВАЛИДНОСТИ

• ВНУТРЕННЯЯ ВАЛИДНОСТЬ

- Концептуальная
- Содержательная
- Операциональная
- Критериальная
- Текущая
- Прогностическая
- Репрезентативность выборки

• ВНЕШНЯЯ ВАЛИДНОСТЬ

- Перекрестная
- Конструктная
- Эмпирическая
- Очевидная

Адабиётлар рўйхати

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ти Конуни. Т, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
4. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (АВ томонидан 30.09.2011 й. 2271-сон билан рўйхатга олинган 29.07.2011 й. Ички ишлар вазирлигининг 7-сон, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 316-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 89-01-2090-сон қарори билан тасдиқланган).
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 01.08.2012 й. 2384-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 30.07.2012 й. 01-172-сон буйруғи билан тасдиқланган).
6. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 08.07.2011 й. 2242-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази директорининг 06.07.2011 й. 01-222/1-сон буйруғи билан тасдиқланган).
7. 1998/99 ўкув йилида ЎзР Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида (ЎзР ВМ 25.05.1998 й. 228-сонли Қарори).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида” ги 258-сонли қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарори;
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартағи “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестатсияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 109-сонли қарори;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси// Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маъруза.
19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиши сари. 18-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2011. – 280 б.
20. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
21. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз–демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2011. – 320 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак. Т.21. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

Асосий адабиётлар

1. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
2. Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000г., 14 стр.

3. Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РФ, Федеральный институт педагогических измерений. Сборник материалов для организации подготовки региональных экспертов ЕГЭ в 2005 г., 26 стр.
4. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.
5. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. Т.: РЎУИ. 1995. -102 б.
6. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008, 180-б.
7. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе много этапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИПЛП. 1995.-36 с.
8. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.
9. Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001 г., 26 стр.
10. Крисилов В.А. Опыт проведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007, - С.29-41.
11. Қосимов С., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллашибир. Урганч, 2009 й., 41 бетда.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ хузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.
13. Фарберман Б.Л. Дидактик талаблар. // Маърифат. 1995. 21 июнь.
14. Фарберман Б.Л. Осенки-толко обоснованные. // Народное слово. 1996 г. 20 ноябрь.
15. “Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 1-сони